
ХАЛҚ ТАЪЛИМИ БЎЛИМИ ТАСАРРУФИДАГИ 18-СОНЛИ УМУМТАЪЛИМ МАКТАБИНИ ЖОРИЙ ТАЪМИРЛАШ ЮЗАСИДАН МАЪЛУМОТ

Данғара туман Қизилмушт МФЙ Тегирмонбоши қишлоғида жойлашган туман Халқ таълими бўлими тасарруфидаги 18-сонли умумтаълим мактабини жорий таъмирлаш ишлари 2022 йил Халқ депутатлари Данғара туман кенгашининг қарори билан тасдиқланган “Ташаббусли бюджет” маблағлари ҳисобидан дастурга киритилган.

Жорий таъмирлаш ишларини амалга ошириш учун лойиҳа-смета ҳужжатлари тайёрланиб, Давлат харидлари электрон тизимининг “Etender.uzex.uz” порталида тендер савдоларига қўйилган. Тендер савдоларида “91-ХМКК” МЧЖ нинг берган таклифлари комиссия томонидан маъқул қўрилган ва ғолиб деб топилган. Пудратчи “91-ХМКК”мчж билан бюртмачи Данғара тумани Халқ таълими бўлими ўртасида 2022 йил 20 майда шартнома тузилган.

“Фарғона гарант лойиҳа сервис” ХК (лиц.рақами АЛ-001195) томонидан тайёрланган Лойиҳа-смета ҳужжатлари бўйича 18-мактаб биносини жорий таъмирлаш ишлари учун 450 000 000 сўм маблағ сарфланиши белгиланган. Лойиҳа-смета ҳужжатларида мактабнинг 167 дона 332,0 кв.м. маънан эскирган дераза ромларини, 4 дона 11,5 кв.м. маънан эскирган эшикларини алюмин (акфа) эшик ва ромларига алмаштирилиши, 4 та синф хонасининг 145 кв.м пол қисми янгиланиши, ўқув биносининг 85,0 кв.м. том қисми шифери янгиланиши, 26 кв.м тарновнинг сув йўли таъмирланиши, мактаб биносини олд фасад 500 кв.м қисмини травертин килиш кўзда тутилган бўлиб, пудратчи ташкилот “91-ХМКК” МЧЖ томонидан ҳозирги кунда юкорида курсатилган хажмдаги жорий таъмирлаш ишлари лойиҳа-смета ҳужжатлари асосида бажарилиб, қурилиш таъмирлаш ишлари якунланган.

Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг [Facebook](#),
2022-09-14 16:24:57